

12-1-2018

THE ROLE OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN PROVIDING EMPLOYMENT OF POPULATION

B. Shermukhamedov
Tashkent Financial institute

M. Mirvalieva
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Shermukhamedov, B. and Mirvalieva, M. (2018) "THE ROLE OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN PROVIDING EMPLOYMENT OF POPULATION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 7.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Шермухамедов Б. – ТМИ, ўқитувчи
Мирвалиева М. – ТМИ, талаба

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНД ҚИЛИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГЎРНИ

Мақолада ишчи кучи бандлигини таъминлашда кичик бизнес имкониятлари, ишчи кучининг талаб ва таклифи мувозанатига эришиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишга кичик бизнес таъсирининг назарий асослари баён этилган, кичик бизнес субъектларининг бандликни таъминлашдаги иштирокини рағбатлантириш йўналишлари тавсия қилинган.

Калитли сўзлар: кичик бизнес, кичик корхона, бандлик, тўла бандлик, ишчи кучига талаб ва таклиф, даромад, иш ўрни.

В статье изложены возможности малого бизнеса в обеспечении занятости рабочей силы, теоретические основы влияния данной сферы на равновесие спроса и предложения рабочей силы и повышение доходов населения, рекомендованы меры по стимулированию участия субъектов малого бизнеса в обеспечении занятости.

Ключевые слова: малый бизнес, занятость, полная занятость, спрос и предложение, заработок, рабочие места.

The article outlines the capability of small business to increase labor force participation and the theoretical foundation of impact of small business on supply and demand equilibrium of the labor force and on an increase of income per capita. The article also outlines several recommendations to stimulate small businesses participation in employment creation.

Key words: small business, employment, full employment, supply and demand, freeman, workplace.

Кириш

Мамлакатда ишчи кучи бандлигини таъминлаш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” [1] ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб берилган. Бу борада кичик бизнес катта салоҳиятга эга бўлиб, ундан тўлиқ ва самарали фойдаланиш иқтисодий сиёсатнинг марказий бўғинини ташкил этади. Бу эса, узоқ муддатли даврда меҳнат бозоридаги мувозанатни ва барқарорликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ишчи кучининг тўла ва самарали бандлиги миллий иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бироқ, ўзгарувчан бозор шароитида ушбу ҳолатни таъминлаш жуда мураккаб бўлиб, аксарият ҳолларда ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлади. Бунга нисбатан юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари орқали намоён бўлувчи ишчи кучига талабнинг таклифдан ортда қолиши, аксарият ҳолатларда эса йирик хўжалик юритувчи субъектлар томонидан янги иш ўринлари яратишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаб бўлади.

Кичик бизнеснинг ишчи кучи бандлигини таъминлашдаги роли ва ўзига хос хусусиятлари масалалари қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, Е.Крилова кичик бизнеснинг бандликка таъсир қилиш хусусиятларини асослаб берган [2].

А.Комаров, С.Богданова, А.Личнов илмий ишларида инқироздан кейинги даврда кичик тадбиркорлик ва меҳнат бозорида барқарорлаштирувчи жараёнлар динамикаси таҳлил қилинган [3].

А.Бондяшева, Н.Землянухина ўз тадқиқотларида давлатнинг иқтисодий фаол аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш, меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, самарали бандлик кўрсаткичларига кичик бизнеснинг таъсири масалаларига эътибор қаратганлар [4].

Ш.Холмўминов, Н.Шоюсуповаларнинг фикрича, Ўзбекистонда ишсизлик ўсишининг асосий сабаби, энг аввало, ишлаб чиқаришнинг қисқаришидир. Иқтисодий ўсиш динамикаси билан ишсизлик ўртасидаги алоқа узвий боғлиқ кўрсаткичлардир. Масалан, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг тез ўсиши иш билан бандликнинг мувофиқ кенгайишини келтириб чиқармади. Иқтисодчилар бу ҳодисани саноатдаги ўсиш суръатларидан анча юқори бўлган урбанизация суръатлари ҳамда қишлоқдан шаҳарга кўчиб келаётган аҳоли малакасининг пастлигида деб изоҳлайдилар [5].

Таҳлил ва натижалар

Ишчи кучи бозорида кичик бизнес корхоналарининг иш берувчи сифатидаги ўрни унинг муҳим ижтимоий функцияларидан бири ҳисобланади. Шундай тарзда кичик бизнес миллионлаб кишиларга қийинчилик вақтларини енгиб ўтишга ёрдам беради, демак, жамиятдаги ижтимоий тангликни юмшатишга имкон беради [6].

Бироқ, мазкур функцияни кичик бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари қаторига киритиш мумкин эмас, чунки иш ўринлари шунингдек давлат, корпоратив тузилмалар, ҳатто ношароит ташкилотлар томонидан ҳам ташкил этилади. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, йирик корхоналарга нисбатан кичик бизнес субъектларида янги иш ўринларини яратишга мойиллик кучлироқ бўлиб, у қуйидаги сабаблар орқали изоҳланади:


1) кичик бизнеснинг капитал сифими паст бўлган янги иш ўринларини тезлик билан ташкил этишга қодирлиги. Кичик корхонадаги бир иш ўрнига тўғри келувчи капитал сарфлари йирик корхоналарга нисбатан сезиларли

даражада паст. Баъзи бир мутахассисларнинг фикрича, бунинг натижасида иш ўрни қиймати ўртасидаги фарқ ўн баробардан ошиб кетади: «йирик бизнесда битта иш ўрнини ташкил этиш 100-150 АҚШ доллари турса, кичик бизнесда битта иш ўрнини яратиш тахминан 10 АҚШ долларига тушади» [7];

2) кичик корхоналардаги капитал техник тузилишининг нисбатан юқорилиги. Яъни, уларда фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситалари бирлигига йирик корхоналарга қараганда кўпроқ жонли меҳнат (ишчи кучи) бирлиги тўғри келади;

Кичик бизнеснинг ижтимоий функциялари қаторига ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига иш берувчиларнинг бошқа гуруҳлари томонидан деярли фойдаланилмаётган қўшимча меҳнат ресурсларини жалб этишга кўмаклашишни киритиш тўғри бўлади. Уларга «ишчи кучи» товарининг эгаси сифатидаги меҳнат потенциали объектив омиллар орқали чекланган фуқаролар (масалан, пенсионерлар, балоғат ёшига етмаганлар, меҳнат лаёқати чекланган шахслар, кўп фарзандли оналар киради. Бозор иқтисодиёти шароитида аксарият иш берувчилар уларга тўлақонли ишчилар сифатида қарамайдилар, шунга кўра уларни ишга жойлаштириш имкониятини таъминлаш ҳолатида эмаслар. Кичик бизнес эса бу қадар қатъий талабларни қўймайди. Ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи кичик корхоналар касаначилар, ўқувчи ёшлар, кекса ёшдаги фуқаролар меҳнатидан фойдаланишга нисбатан кўпроқ мослашган. Кейинги иккита гуруҳнинг аҳоли умумий сонидagi улуши доимий равишда кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, кичик бизнеснинг иш билан бандликни таъминлашдаги функциясининг амалий аҳамияти ҳам ошиб бормоқда [8].


Кичик бизнес корхоналарининг юқорида санаб ўтилган ўзига хос хусусиятлари иқтисодиётдаги ишчи кучи бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш борасидаги қўшимча имкониятларни ишга солади. Буни қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Кичик бизнеснинг ишчи кучи талаб ва таклифи мувозанати ҳамда аҳоли даромадларини таъминлашга таъсири [9].

Агар иқтисодиётдаги ишчи кучига талабнинг бирламчи ҳамда «ташқи кучлар» таъсирисиз ҳолатини D_1 эгри чизиги орқали ифодаласак, у мавжуд

ишчи кучи таклифи маълум қисмининг (расмдаги 1-кесма) бандлигини таъминлай олади, холос. Талабнинг бундай даражасида фақат ишчи кучининг рақобатбардош қисмигина (L_1) ишга ёллана олади. Ўз даромадларини ошириш мақсадида иккиламчи бандлик (ўриндошлик асосида ишлаш, бошқа фаолият билан шуғулланувчиларнинг бандлиги ва ҳ.к.) учун имкониятлар мавжуд бўлмайди. Айти пайтда, ишчи кучи бозоридаги талабнинг таклифдан аҳамиятли даражада пастлиги ўртача иш ҳақи даражасининг ҳам паст бўлишига олиб келади.



2-расм. Ўзбекистонда 2017 йилда тармоқлар бўйича ходимлар сонининг тақсимланиши (фоизда) [10].

АҚШнинг тадбиркорлик салоҳиятини шакллантиришдаги тажрибасини кўриб чиқамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришнинг устун йўналишлари қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, шунингдек рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган кичик ва хусусий корхоналарни тузишга кўмаклашиш ҳисобланади [11].

Демак, кичик бизнес корхоналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашувини кучайтириш, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши талабни олдиндан тахмин қилиш заруратидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ва савдо хизмати кўрсатилишига катта имкониятлар туғдиради. Республикада аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларида ёшлар ишсизлигини камайтириш, иш билан бандлик даражасини ошириш бир қатор чоратадбирларни амалга оширишни талаб этади:

- ўз фаолиятига ёш ишчи кучларни жалб қилувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаш манбаларини, тижорат банклари, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларини ва чет эл кредитларини жалб қилиш ҳисобига қулай инвестиция муҳити ва зарур шарт-шароит яратиш;

- ходимлари таркибида 30 ёшга тўлмаган шахслар 50% дан ортиқ бўлган кичик тадбиркорлик субъектларини мулкӣ ва солиқ имтиёзлари орқали қўллаб-қувватлаш;

- ёшлар тадбиркорлиги самарали ривожланиши учун ҳуқуқий асосни ва имтиёзли солиққа тортиш тизимини ривожлантириш;

- ёшлар тадбиркорлиги тўғрисида ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш;

-ёшларнинг ўз-ўзини иш билан таъминлашининг ҳар қандай кўринишини қўллаб-қувватлаш;

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда иш билан бандлик даражасини оширишда кичик бизнеснинг ижтимоий функциясидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, бандлик дастурларини ишлаб чиқишда кичик тадбиркорликнинг бозор шароитида самарали фойдаланиш мумкин бўлган яқка тартибдаги ва оммавий иш ўринларини ташкил этиш дастакларини имкон қадар тўлиқ қамраб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг янги иш ўринларини яратишдаги иштирокини рағбатлантиришда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини эътиборга олиш ҳамда зарур ҳолларда, улардан фойдаланиш лозим. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида ишчи кучи ресурсини ишлаб чиқариш жараёнига тўлиқ ва самарали қўллаш мақсадида меҳнат қилиш ва ишга ёллашнинг мослашувчан шарт-шароитларидан янада кенгрок фойдаланиш муҳим.

Таклиф. Мамлакатимиз ишчи кучи бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш борасидаги кичик бизнес корхоналари қўшимча имкониятларидан фойдаланишнинг чоратадбирлар тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониغا 1-илова. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. 5-б.

2. Крылова Е.Б. Малое предпринимательство и занятость населения. Экономический портал: <http://institutions.com/general/1370-zanyatost-naseleniya.html>.

3. Комаров А.Г., Богданова С.Ю., Личнов А.В. Малый бизнес и занятость в России и за рубежом. Проблемы теории и практики предпринимательства. – М.: 2011. – С.211-216

4. Бондышева А.С., Землянухина Н.С. Управление занятостью: роль малого бизнеса в достижении эффективной занятости населения региона // Изв. Саратов. ун-та. Нов.сер. Сер. Экономика. Управление. Право. 2016. Т. 16. вып. 4. – С. 429-434.

5. Холмўминов Ш.Р., Шоюсупова Н.Т., Холмуротов С.Э. «Меҳнатбозорииктисодиёти» (Маърузаларматни) – Т.: ТДИУ, 2006. – 72 -75 б.

6. Малый бизнес: шокирующее сравнение Запада с Россией и Украиной // Источник: ИА «Альянс Медиа» по материалам Биржевой лидер <http://smallbusiness.ru/news/news/1458/>

7. Мамедова Л. Малый бизнес: кто кого спасает? - Малое предприятие, 1999, № 9. – С.11.

8. Институциональная среда малого предпринимательства и его социальные функции // <http://rf-biz.ru/8.php>

9. Роль малого бизнеса в обеспечении продуктивной занятости населения Вестник КазГУ. Серия Экономическая. Алматы, 2000, №3-4 // <http://lib.kazsu.kz/>

10. Small Business Saturday – A Big Day for Small Business № 9-12 (2016, November 18) // Extravaganzi

11. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент, 2017. - 113-б.